Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 47 (4742).
26 ФЕВРАЛЬ 1982 й.
ЖУМА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

СССР 60 ЙИЛЛИГИГА 60 ЗАРБДОР ҲАФТАЛИК

Ёшларнинг зарбдор меҳнати, изланиши — беш йилликка!

БУГУН ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲИСОБОТ-САЙЛОВ КОМСОМОЛ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎЗ ИШИНИ БОШЛАДИ

ЮБИЛЕЙГА СОВҒА

Бизнинг комсомол-ёшлар бригадамиз «Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 5 филиалида энг обрўли бригаталардан саналади. Коллективимиз ўн биринчи беш йиллигининг биринчи йилида катта муваффақиятларни қўлга киритди. Белгиланган план 120 процентга ошиғи билан бажарилди. Тикувчиларимиз планга қўшимча равишда 10 хил маҳсулотдан 1000 дона тайёрлаб беришди.

Беш йилликнинг иккинчи йили биздан янада катта ғайрат шижоатни талаб қиларди. Бу йил СССР нинг 60 йиллик юбилейи йили эканлиги бригадамиз коллективини юксак кўрсаткичлар сари илҳомлантирмоқда. Тикувчиларимиз «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ташаббусига чин дилдан кўшилиб меҳнат қилмоқдалар. Ўзаро социалистик мусобақа яхши ташкил қилинганлиги учун меҳнат унумдорлиги ошиб бормоқда.

Мақсадимиз, буюк Ватанимизнинг муборак юбилейини муносиб тухфалар билан кутиб олишдир. Ана шу шонли сана шарафига ташкил қилинган социалистик мусобақада фаол қатнашаётган Ш. Эрматова, М. Орифжонова, Л. Касрдева, Ф. Бўронова, Г. Гойипова ва М. Бердиева сингари жонкуяр тикувчиларимиз н и ғ и т хизмати таҳсинга лойиқ бўлмоқда.

Л. АВЛИЕХОНОВА,
«Чевар» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси 5-цехининг комсомол-ёшлар бригадаси бошлиғи.

ЁШ ТЎҚИМАЧИЛАР ЮТУҒИ

Ўнинчи беш йилликнинг охирида тўқимачилик комбинатининг кўпгина коллективлари меҳнатни ташкил қилишнинг самарали — бригада пудрати методи бўйича ишлашга ўтдилар. Ана шу илғорлар қаторида йигирув фабрикасининг саваш цехидаги З. Аслонов бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси бор эди.

Дастлаб қийинчиликлар бўлади, албатта. Аммо ёшлар меҳнат унумдорлигини ошириш, турдош касбларда ишлаш ҳамда мураббийлар маслаҳатидан яхши фойдаланиш натижасида ишни дуруст йўлга қўйдилар. Ёш тўқимачилар «Сафимизда бирорта ҳам қолоқ бўлмасин!» шиори остида меҳнат қилишди.

Бу ерда ўрганса арзийдиган тажрибали мураббийлар бор. Саваш машиналари оператори Т. Карташева ўз иш графигидан мудом уч ой илгарилаб бормоқда. Кўпгина комсомол қизлар зарбдорларча меҳнат қилишмоқда. Айниқса Г. Эгамқулова ва М. Комолова сингари тўқувчилар меҳнати таҳсинга лойиқ бўлмоқда.

Меҳнат интизомини бузмаслик, жиҳозларнинг бекор туриб қолишига йўл қўймаслик ҳисобига бригадада кейинги пайтда меҳнат унумдорлигининг ошишига сабаб бўлди.

Куни кеча З. Аслонов бригадасига коммунистик меҳнат коллективи деган фахрли ном берилди.

А. ГАЛИМОВ.

ЯГОНА НАРЯД АСОСИДА

СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводида бригада методи асосида иш юритишга катта эътибор берилаяпти. Ҳозирда завод ишчи коллективлари орасида 400 дан ортиқ бригада ягона наряд асосида ишламоқда. Комсомол-ёшлар орасида ҳам бу меҳнат формаси кенг тарқалиб, 45 та ёшлар бригадаси тузилган. Бу ишда 1 ва 31-механика-йиғув, 28, 26-механика цехлари комсомоллари активлик кўрсатишяпти.

Корхонада ташаббускорликни ўз қўлларига олган бригадалардан бири Александр Ильин етакчилик қилаётган бригададир. Бу комсомол-ёшлар бригадаси бундан икки йил олдин, яъни ягона нарядга ўтиш эндигина бошланган пайтда 31-механика йиғув цехида тузилган эди. Бригаданинг асосий иши 80 от қувватига эга «МТ—80Х» маркали тракторларнинг электр қисмларини йиғиб синовдан ўтказишдир.

Монтаж ишларида бригада ёшлари олтита асосий операцияни бажарадилар. Уларнинг ҳар бири бу операцияларни пухта амалга оширишади. Серунум ва юқори маромда ишлаш, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш планларни доимо 130 — 140 процентга етказиб бажариш имконини беряпти. Шунинг учун ҳам улар бир неча марта завод ёшлари ўртасида уюштирилган мусобақаларда фахрли ўринни эгаллашди.

Комсомол аъзоси А. Ильин етакчилигидаги аҳил группа ишдан ташқари вақтда ҳам машғулотларда ўз малакаларини оширишга ҳаракат қиляпти. «СССР 60 йиллиги — 60 зарбдор ҳафталик» қизғин кетаётган ҳозирги кунларда бош конвейердан янги «МТЗ—80Х» тракторларини тушириб, Ватанимиз колхоз-совхозларига юборилишига катта тайёргарлик кетяпти. Бунда Александр Ильин бошлиқ бригада ёшларининг ҳам катта ҳиссаси бор.

Ғ. РАЗЗОҚОВ.

ДОВОН ЭГАЛЛАНАДИ

Мен кўп вақтдан бери Н. Кравцов бошлиқ электр-монтажчи комсомол-ёшлар бригадасида меҳнат қилиб келаман. Менинг кўз ўнгимда ёш коллектив катта ишлаб чиқариш тажрибасига эга бўлди.

Бу йил бизнинг коллективимиз авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси комсомол-ёшлар бригадаларидан ўтказилган социалистик мусобақада тўртинчи марта биринчи ўринни эгаллади. Мана тўртинчи бор Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида катта натижаларга эришганлиги учун бригадамизга ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи топширилмоқда. Бизнинг ёш коллективимиз йиғув цехининг ёш ишчилари билан бирга ВЛКСМ XIX съездини муносиб меҳнат туҳфалари билан кутиб олишга бел боғлаган. 18 майга қадар бригада беш ойлик планни бажарганлиги тўғрисида рапорт беришга сўз берган.

Бу довонни забт этиш бизга янада каттароқ маррани эгаллаш вазифасини юклайди. Шунинг учун Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 65 йиллигига қадар беш йилликнинг икки йиллик планини бажаришга қарор қилдик.

В. ПОДОШОВКА,
В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси йиғув цехи комсомол-ёшлар бригадасининг группа комсоргн.

тонгги газеталарда

✦ КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 25 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитетн Сиёсий бюросининг аъзоси, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Д. А. Кунаевга Ленин ордени ҳамда Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвонини «Ўроқ ва Болға» олтин медалини топширди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев мукофотни топшириш маросимида нутқ сўзлади. Ўртоқ Д. А. Кунаев жавоб нутқи сўзлади.

✦ «Атом энергетикаси қурилишлари» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

✦ Ростов-Дон шаҳрини I даража Ватан уруши ордени билан мукофотлаш тўғрисида СССР Олий Совети Президиумининг Фармони эълон қилинган.

«Главташкентстрой» 6-қурилиш трести 33-қурилиш бошқармасининг бир группа қурувчилари шаҳримизнинг Студентлар шаҳарчасида турар жой бинолариии тиклашяпти. График топшириқлари ўз вақтида адо этилмоқда.

СУРАТДА: Тошкент политехника институти студентлари учун турар жой бинолари бунёд этаётган илғор қурувчилардан Қ. Жуманов ва И. Аббосов.

М. Нуриддинов фотоси.

• *Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида*

ПОЙТАХТ ЮБИЛЕЙГА ТАЙЁРЛАНМОҚДА

Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик бўйича комиссиянинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси ташкилотларида ва пойтахтнинг Чилонзор районида тадбирлар қандай бажарилаётганлиги ҳақидаги ҳисоботлар тингланди. Мажлисга Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси В. О. Козимов раислик қилди.

Маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаштириш, хизмат кўрсатиш маданиятини яхшилаш бўйича ишлар давом эттириляпти. 460 та объектда капитал ва жорий ремонт ишлари бажарилди, объектларга туташ территориялар ободонлаштирилди, марказий диспетчерлик хизматини ташкил этиш бошланди.

Шу билан бир қаторда 1981 йилга мўлжалланган айрим тадбирлар бажарилмади. Муқимий кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш павильони қурилиши тугалланмади. Сергели районидаги 9-ҳаммом реконструкция қилинмади ва Пионер кўчасидаги 26-ҳаммомнинг фасади ремонтдан чиқарилмади. Аҳмад Дониш кўчасидаги маиший хизмат кўрсатиш уйи қошидаги кичик хиёбон, «Марказ—14» кварталидаги 12-ҳаммом қошидаги кичик хиёбон ўз ҳолига ташлаб қўйилган.

Комиссия аъзолари иш суръатини жадаллаштириш, ободончилик масалаларини комплекс ҳал этишга асосий эътиборни қаратиш лозимлигини таъкидлаб ўтдилар. Тадбирларнинг ягона графигини ишлаб чиқиш, бу тадбирларни бажариш муддатларини аниқлаштириш ва бу чора-тадбирларнинг ҳар бир маиший хизмат кўрсатиш корхонасида қандай бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатиш лозим.

Чилонзор районида ҳам ободончилик ишлари олиб бориляпти. Унда «Промгражданстрой», «Узспецводмеханизация», «Ташинжстрой» трестларининг коллективлари ва бошқа коллективлар актив қатнашмоқдалар. «Дўстлик» дам олиш зонаси янада кўкаламзор қилинди. Бу ерда хоккей майдонига, теннис корти, югуриш йўлкалари, қайиқ станциялари, сузиш бассейнларига эга бўлган спорт комплекси бунёд этилди. Шу нарса қувончлики, бу ишларнинг ҳаммаси паркда ҳашар йўли билан амалга оширилди.

Турар жой микрорайонларини ободонлаштириш борасида ҳам бирмунча ишлар амалга оширилди. Боғчаларнинг учта янги майдончаси, учта саломатлик шаҳарчаси қурилди. Бироқ, бу районда ҳам бир қатор камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Жумладан, Д—16 микрорайонида мактаб, учта тўққиз қаватли уй-жой биноси фойдаланишга топширилмади, Б—I кварталидаги ер ости гаражи қурилиши кейинга сурилмоқда. Ҳар жиҳатдан намунали бўлиши керак бўлган янги Олмазор микрорайони ҳанузга қадар тугалланган, аниқ бош план схемасига эга эмас. Халқлар дўстлиги проспектидаги қурилиш ишлари тарқоқ ҳолда бормоқда.

2000 йиллик юбилейга ўз вақтида ва юксак даражада тайёргарлик кўриш учун районнинг барча хизмат кўрсатиш корхоналари белгилаган тадбирларни бажаришга тўла масъулият ҳисси билан ёндошишлари керак.

Мажлис ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг секретари Б. Ғ. Халилов иштирок этди ва сўзга чиқди.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА

Илгари хабар қилинганидек, шу йил 25 мартда халқ депутатлари шаҳар Советининг навбатдаги сессияси бўлиб ўтади. Унда аҳолига шаҳар пассажир транспорти хизматининг аҳволи ва унн яхшилаш тадбирлари тўғрисидаги масала кўрилади.

Шу боисдан Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетн пойтахт эҳолисидан шаҳар пассажир транспорти ишига доир ўз мулоҳаза ва таклифларини билдиришларини сўрайди. Бундан мақсад сессия қарорини тайёрлаш ва тегишли амалий тадбирлар ишлаб чиқишда уларни ҳисобга олишдир.

Таклифларни шу йилнинг 15 мартигача Пролетар кўчаси, 33-уйга — шаҳардаги барча турдаги пассажир транспортн ишини координация қилиш ва ривожлантириш бошқармасига юбориш ёки 33-57-85 телефони орқали ўша жойга хабар қилиш лозим.

РЕСПУБЛИКАМИЗ ПОЙТАХТИДА

Кеча

Тошкент трактор заводининг маданият саройида корхона асбобсозлик-штамповка цехи меҳнатчиларнни шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Мана ўн йилдирки, мазкур цех коллективи корхона эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Ишчилар клубидаги ушбу оқшомга 200 дан зиёд меҳнатчи, шу жумладан 30 нафар коммунистик меҳнат зарбдорн, 6 коммунистик меҳнат бригадаси ташриф буюрди. Буларнинг орасида 15 миллат вакиллари бор. Цехнинг биринчи бошлиғи, ҳозирда завод ишлаб чиқариш бўлимининг бошлиғи В. А. Беляев цехнинг ташкил этилиши ҳақида ҳикоя қилиб берди. Завод партия комитети секретарининг ўринбосари Н. Г. Белозеров СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун авж олган социалистик мусобақа ҳақида гапирди. Сўзга чиққанлар завод ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ҳақида тўхталдилар. Республика далаларида жавлон ураётган пахтачилик учун мўлжалланган «МТЗ—80Х», «128х4М» тракторлари шулар жумласидандир. Байрам оқшомида цех меҳнатчилари кўплаб ён мутахассисларни тарбиялаган цех ва корхона ветерани Н. А. Гусаковни пенсияга кузатдилар.

Шу оқшом СССР 60 йиллиги шарафига авж олган социалистик мусобақа натижалари шарафланди. «Контраст» вокал-чолғу ансамбли махсус программада концерт берди.

Бугун

Акмал Икромов районининг 13-кварталида 20 минг номерга эга бўлган янги А7 биноси қурилишида бунёдкорлар монтаж ишларини бошлаб юборишди.

«СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» ҳаракатига қўшилган азамат қурувчилар ойлик планларини 120—130 процент бажариб, сифатли меҳнат қилмоқдалар.

Аҳоли талабига биноан бунёд этилаётган бу АТС биносида «Промкилводстрой» трестига қарашли механизациялашган кўчма колонна ишчилари ғайрат ва шижоат кўрсатиб ишламоқдалар.

«Орзу деб номланган янги шоколад конфети ўз таъми билан бошқа конфетлардан фарқ қилади. «Ўртоқ» кондитер фабрикаси ана шу конфетларни ишлаб чиқаришга киришди. Бу конфетлар 400 граммлаб чиройли қутиларга жойланмоқда. Улар яхшигина совға бўлиб қолмай, дастурхонингизни ҳам безашн мумкин.

Ўзбекистон Давлат стандарти республика бошқармаси Қува мебель фабрикаси адресига «Дўстлик» деб номланган ва театрларда ўрнатиладиган креслоларни давлат Сифат белгиси билан ишлаб чиқариш ҳуқуқини берадиган дастлабки гувоҳномани йўллади.

Ушбу ўриндиқлар бир неча элементлардан йиғилади. Уларнинг тирсак қўйиладиган қисмлари ва таглиги ёғочдан ишланган бўлиб, ўриндиқлари ва суянадиган қисми мебель газламаси ёки чарм билан қопланади.

Бу йил фабрика коллективи 373 минг сўмлик ана шундай фахрли беш қиррали белгига эга бўлган ўриндиқларни жўнатади. Уларнинг бир қисми шаҳримиз кинотеатрларида, корхона ва ташкилотларнинг мажлислар залида ўрнатилади.

«Средазэнергоцветмет» Тошкент энергетика-ремонт ишлаб чиқариш бирлашмасида одатдан ташқари буюртма муддатидан илгари бажарилди. Қисқа муддат ичида бу ерда Афғонистон мутахассислари учун мўлжалланган ҳар бири 450 киловатт қувватга эга бўлган иккита электр двигатели капитал ремонтдан чиқарилди. Мазкур буюртмани бажаришда В. Кузнецов, Р. Раҳматов каби электр симини ўровчилар, цех мастери В. Маматов, изолировкачилар А. Фомина, С. Нурметова, Т. Любушкина ва бошқа мутахассислар ўрнак бўлдилар.

Эртага

Киров районидаги «Бодомзор» маҳалласи клубида СССР 60 йиллигига бағишланган дам олиш кечаси ўтказилади.

«Бир пиёла чой олдидан» деб номланган бу дам олиш кечасига маҳалла активлари, ишчилар, хизматчилар, студентлар йиғиладилар. Йиғилганлар район «Билим» жамиятининг лектори Н. Т. Мирбобоевнинг СССРнинг 60 йиллик тарихи ҳақидаги лекциясини тинглайдилар.

Кеча охирида район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлик коллективлари иккросида концерт қўйиб берилади.

Сергели районн корхоналарининг ишчи ва хизматчилари шанба ва якшанба кунн Чимён тоғи этакларига сайр этиш учун йўлга чиқадилар.

«Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» номли фабрика, «Узторгстрой», «Ташоблсельстрой», «Средазстроймеханизация» трестлари, 2-вагон депосиң 2-қурилиш бошқармаси, Сергели алоқа узели ва бошқа корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг коллективлари тушган автобуслар эрта тонгда саф тортиб тоғ бағрига йўл олади.

Дам олувчилар учун Тошкент саёҳат ва экскурсиялар бюроси 50 та автобусни ҳозирлаб қўйган. Дам олувчиларнинг қўнгилли ҳордиқ чиқаришлари учун район маданият уйларининг бадиий ҳаваскорлари ва эстрада ансамблари концерт программалари билан қатнашадилар. Бундан ташқари бу ерда турли спорт мусобақалари ва ҳар хил ўйинлар ташкил этилади.

Район ошхоналар трести коллективи лаззатли таомлар тайёрлайди, ноз-неъматлар савдоси ташкил қилинади.

БУЮК ПОЧИН АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

ТОШКЕНТЛИКЛАР МОСКВАЛИКЛАР ТАШАББУСИНИ ҚИЗҒИН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШЯПТИ

Тошкент меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари Москвадаги илғор корхоналарнинг 17 апрелда Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 112 йиллигига бағишлаб коммунистик шанбалик ўтказиш бўйича бошлаган ташаббусини қизғин қўллаб-қувватлашди.

Кеча Тошкентнинг кўпгина корхоналари ва ташкилотларида — Октябрь революцияси номли заводда, трактор заводида, «Тошкент» мебель бирлашмасида, «Ўртоқ» кондитер фабрикасида, Тошкент пассажир станциясида, «Главташкентстрой»нинг 3-трестида митинг ва йиғилишлар бўлиб ўтди. Унда ишчилар коллективларни шаҳар меҳнаткашларини «қизил шанбалик» кунн энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, маҳсулот ишлаб чиқаришда рекорд кўрсаткичга эришишга, шу мақсадда материаллар, хом ашё ва электр қуввати фондини ҳосил қилишга чақирдилар.

Зарбдор шанбалик вахтаси СССР ташкил этаётган мусобақанинг муҳим босқичи, беш илгари адо этиш учун курашга қўшилган салмоқли ҳисса бўлади.

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводининг электроаппарат цехи ҳудди байрамдагидек безатилган эди. Цехдаги қизил алвонларга «Ленинча шанбаликда ҳаммамиз бир кишидек иштирок этамиз!», «Бутуниттифоқ шанбалигини энг юксак меҳнат унумдорлиги билан нишонлаймиз!» шиорлари ёзилган.

Бу ерга барча цехлар, бўлимлардан Бутуниттифоқ меҳнат байрамида қатнашиш истагини билдирган ишчилар, инженерлар, мастерлар ва хизматчилар тўпланишди.

Бу шаҳарнинг кекса корхонаси коллективи Тошкент пролетариатининг жанговар меҳнат анъаналарини муқаддас билади. Айнан шу ерда 1919 йилнинг 11 октябрида коммунистлар Туркистондаги биринчи «қизил шанбалик»ка чиқишган. Ўшанда темир йўл транспортини тиклаш бўйича текинга катта ҳажмда ишлар бажарилганди. Бугунги кунда ҳам заводнинг юзлаб меҳнаткашлари жамоатчилик асосида зарбдорона меҳнат қилишга, 17 апрелда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга тайёр эканликларини изҳор этдилар.

— Мен, корхонанинг ветеран ишчиси учун коммунистик шанбалик — чинакам меҳнат байрамидир, — деди митингда сўзлаган электромашина цехининг слесарь-электриги Т. Чередникова.—Тажрибали ишчилар номидан мен заводнинг барча меҳнаткашларини 17 апрелда энг юксак меҳнат унумдорлигига эришишга, юқори сифатли маҳсулот тайёрлашга чақираман. Дизель цехи ишчилари номидан гапирган слесарлар бригадири С. Павлов завод коллективини цехимиз меҳнаткашлари коммунистик шанбалик куни смена топшириқларини ортиғи билан адо этиб, олтита двигателни ремонтдан чиқариш мажбуриятини олади, деб ишонтиради.

— Бизнинг электроаппарат цехимиз, — деди митингда слесарь А. Бесчетнова.—коммунистик меҳнат коллективи саналади. Бизнинг илғор ишчиларимиз Ю. Тарасенко, В. Лисичников, А. Бруй сингари мураббий ишчиларимиз бош бўлган бригада ишлаб чиқариш нормаларини 115—120 процентга етказиб адо этишади. Бизнинг барча ўртоқларимиз 17 апрелда цехдаги ўз иш жойларида туриб ишлашга ва коммунистик меҳнат намуналарини кўрсатишга қатъий аҳд қилганликларини изҳор қилдилар.

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводи ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари коллективи йиғилиши шундай қарор қилди: 17 апрель энг юксак меҳнат унумдорлиги куни деб эълон қилинсин. Шу куни 20 тонна пўлат қуйма ишлаб чиқариш, 2 минг тормоз колодкаси, олтита двигателни ремонтдан чиқаришга қарор қилинди.

СУРАТДА: бўлажак коммунистик шанбаликка бағишланган митинг. Минбарда электр слесарь коммунист Т. Чередникова.

Район партия комитетининг пленуми

Фрунзе район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. «КПСС XXVI съезди қарорлари асосида коммунистлар ва комсомолларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги авангардлик ролини ошириш, ташаббускорлик ва фаолликни ривожлантириш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида» йиғилганлар олдида район партия комитетининг биринчи секретари С. Ҳўжаева доклад қилди.

Доклад бўйича бўлган музокараларда «Таштекстильмаш» заводи партия комитетининг секретари В. Кравченко, 1-пойафзал фабрикаси фрезерчиси С. Раҳимов, маршрутли таксилар 2-автотранспорт корхонаси директори Ф. Парпихўжаев, Фрунзе район комсомол комитетининг биринчи секретари Т. Одилов ва бошқалар сўзладилар. Пленум қатнашчилари бундан ташқари район партия комитетининг иккинчи секретари А. Сергеевнинг 1981 йилдаги ҳисобот сайлов йиғилишлари, пленумлар, актив йиғилишларида коммунистлар айтган танқидий таклиф ва мулоҳазаларнинг бажарилиши ҳақидаги ахборотини тингладилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг иккинчи секретари **К. П. Дудин** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала бўйича қарор қабул қилинди.

МЕҲНАТНИ БРИГАДА УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШГА — ПАРТИЯВИЙ ҒАМХЎРЛИК

Чилонзор район партия-хўжалик активи йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари КПСС XXVI съезди қарорлари, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми раиси Л. И. Брежневнинг кўрсатмалари ва тавсиялари асосида меҳнатни ташкил этиш ва ҳақ тўлашнинг бригада усулини янада кенг ёйиш ва унинг қарор топишига партия таъсирини кучайтириш, бригада томонидан ишлаб чиқариш ва тармоқ вазифаларини муҳокама қилдилар.

Район партия комитетининг биринчи секретари **Т. Содиқов** доклад қилди.

Йиғилишда меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада усулини ўз коллективларида ёйиш тажрибаси ҳақида «Ташметрострой» трести партия комитети секретари **В. Артюшенко**, «Главташкентстрой» транспорт ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи **С. Васильенко**, 2-пойафзал фабрикаси бригадири **Н. Иброҳимова** ва бошқалар гапиришди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитетининг биринчи секретари **У. У. Умаров** иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Муҳокама этилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Хатларга мутасадди раҳбарлар жавоби

«Тошкент оқшоми»га

ҚОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДА МЕҲНАТКАШЛАРНИНГ ХАТЛАРИ БИЛАН ИШЛАШ ВА УЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ИШИНИНГ АҲВОЛИ МУТТАСИЛ ТЕКШИРИЛИБ, РАҲБАРЛАРНИНГ ҲИСОБОТЛАРИ ТИНГЛАБ БОРИЛСИН, БУ МАСАЛАЛАР ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИНИНГ ПЛЕНУМЛАРИ ВА БЮРОСИДА, ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИ ВА ИЖРОИЯ КОМИТЕТЛАРИНИНГ СЕССИЯЛАРИ ВА МАЖЛИСЛАРИДА, МИНИСТРЛИКЛАР ВА ИДОРАЛАРНИНГ КОЛЛЕГИЯЛАРИДА МУНТАЗАМ МУҲОКАМА ЭТИЛСИН.

(«КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXVI съезди қарорларни асосида меҳнаткашларнинг хатлари ва таклифлари билан ишлашни янада яхшилаш тадбирлари тўғрисида»ги қарордан).

Олий ўқув юрти ва студент

ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАР БОР?

1. Ҳурматли редакция! Олий ўқув юртларида ўқийдиган Улуғ Ватан уруши инвалидларининг фарзандларига ҳар томонлама ёрдам бериш чоралари кўрилганми?

Ш. ИЗЗАДОШЕВ,
Фарғона шаҳри, Фрунзе кўчаси, 73-уй.

* * *

2. Биз ўрта Осиё медицина педнатрия институтида ўқиймиз. Бу касбни эгаллаётганимиздан жуда ҳурсандмиз. Лекин бизда келгуси йилдан бошлаб Ленинград шаҳридаги медицина педнатрия институтига бориб ўқиш истаги туғилди. Айтингчи, бунинг иложи борми? Бу ҳақда кимга мурожаат қилиш мумкин?

Е. БАҚОЕВ,
Н. ОРИПОВ,
СамПИ студентлари.

* * *

3. Мен ҳозир олий ўқув юртида ўқийман. Тошкентда шундай ўрта махсус ўқув юрти борки, ундаги бир ихтисослик мен институтда ўқиётган ихтисослик билан чамбарчас боғлиқ. Демак, мен 8-синфни битирганлигим тўғрисидаги шаҳодатнома билан шу ўрта махсус ўқув юртига сиртдан ўқишга киришим мумкинми?

С. ТЎХТАЕВ.
Тошкент шаҳри, Т. Хмельницкий кўчаси, 7-«а»-уй.

У. ИСАМУҲАМЕДОВ,
Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг олий ўқув юртлари ўқув-методика бошқармаси бошлиғи.

1. Улуғ Ватан уруши инвалидларининг фарзандлари олий ўқув юртларида умумий кўрсатмаларга мувофиқ равишда ўқитилади. Улар учун алоҳида афзалликлар жорий этилмаган. Фақат айрим ҳолларда, масалан, тенг шароитда олий ўқув юртига қабул қилишда, стипендия белгилашда, ётоқхона билан таъминлашда ва шунга ўхшаш ҳолларда енгилликлар берилиши мумкин.

2. СССР Олий ва ўрта таълим министрлигининг 1973 йил 6 сентябрдаги 35-номерли кўрсатма-хатига биноан бир олий ўқув юртидан иккинчи бир олий ўқув юртига ўтиш ҳар икки институт ёки университетнинг ректорлари рухсати билан ҳал этилади. Шунинг учун ҳам сизлар аввало ўша бормоқчи бўлган институтингиз ректорига мурожаат этишларингиз лозим. У махсус хат бергач, сўнгра ўзингиз ўқиётган институт ректорига мурожаат этасизлар.

3. Мавжуд қоидаларга кўра, техникумларнинг сиртқи бўлимларига танлаган касбингиз ихтисослиги бўйича ишлаётган иш жойидан ижобий характеристикаси бўлган кишиларгина қабул қилинади.

Олий ўқув юртида ўқиб туриб, бир йўла техникумга кириш мумкин эмас.

• Улуғ Ватан уруши қатнашчисининг илтимоси инобатга олинди

• Маҳалла аҳолисига қулайлик яратилди

• Мижозларни ранжитгани учун

• Бешқайрағочдаги қозонхона иссиқликни нега кам беряпти?

ВЕТЕРАНГА ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТИЛАДИ

Мен Улуғ Ватан урушн қатнашчисиман. 1947 йилдан бошлаб Тошкент темир йўл бўлинмасининг 2-депосида ишлаб, 1979 йилда қарилик пенсиясига чиқдим. Яқинда нодир металлдан протез тиш қўйдириш мақсадида Ўрта Осиё темир йўлининг стоматология поликлиникасига мурожаат қилган эдим, илтимосимни қондиришмади. «Бир йилдан кейин келсангиз рўйхатга ёзамиз», дейишди. Қачонгача мен каби Улуғ Ватан уруши қатнашчиси бўлган кексалар навбат кутиб сарсон бўлиб юришади?

А. ЗУФАРОВ.

А. АКБАРОВ,
Ўрта Осиё темир йўли бошқармасининг врачлик-санитария хизмати бошлиғи.

— Коллективимиз темир йўл хизматчиларига, айни пайтда Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига, пенсионерларга медицина хизматн кўрсатишни янада яхшилашга қаратилган бир қанча тадбирларни амалга оширмоқда. Ўрта Осиё темир йўлининг поликлиникалари ва шифохоналари кенгайтирилиб, замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Коллективимиз ўзига қарашли медицина муассасаларини намунали соғлиқни сақлаш масканларига айлантириш учун курашяпти. Бунда беморларнинг талаб ва истакларини ҳисобга олишга алоҳида аҳамият беряпмиз.

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси А. Зуфаровнинг мактуби ҳам врачлик-санитария хизмати томонидан кўриб чиқилди. Мактуб Тошкент темир йўл станциясидаги стоматология поликлиникаси коллективи ўртасида муҳокама қилинди. Улуғ Ватан уруши инвалидлари ва қатнашчиларига хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган қўшимча тадбирлар белгиланди. Жумладан, нодир металлдан тиш қўйдиришни истаган Улуғ Ватан уруши ветеранлари ва инвалидларининг алоҳида рўйхати тузилди. Ҳамшаҳримиз А. Зуфаров ҳам ана шу рўйхатга киритилган бўлиб, унинг навбати шу ойнинг охирида келади. А. Зуфаровнинг навбати келгач, поликлиника ходимлари махсус хат йўллаб, уни поликлиникага таклиф этишади.

КПСС Марказий Комитетининг СССР 60 йиллиги тўғрисидаги қарори барча меҳнат коллективлари қатори «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси ишчи-хизматчиларини ҳам янги марралар сари руҳлантиряпти. 4-цех тикувчи-мотористи Мўътабар Одилова (чапда) ва участка мастери Александра Архиповалар маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, унинг сифатига алоҳида эътибор бермоқдалар. Аҳиллик, бир-бирига ўртоқларча ёрдам цехда ютуқларнинг янада кўпайишига ёрдам беряпти.

И. Шоиногомов фотоси.

Шифохонага лаборатория керак

Пойтахтимизни н г Киров районидаги Янгиариқ маҳалласида болалар учун махсус поликлиника филиали ташкил этилиб, соз иш қилинди. Набираларимизи н н г даволанишн учун яхши шароит яратилди. Албатта бундан мамнунмиз. Лекин бу ерда бир муаммо ҳам чиқиб қолди. Болаларнинг саломатлигини текшириб кўриш учун қон олиб анализ қиладиган махсус лаборатория йўқлиги туфайли узоқ жойларга бориб, анализ қилиб келишга сарсон бўляпмиз. Ана шу ернинг ўзида қон олиб анализ қилишни йўлга қўйиш мумкин эмасмикин?

Т. АКБАРОВ,
Улуғ Ватан уруши қатнашчиси.

И. КАРИМОВ,
Киров район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири.

— Чиндан ҳам Янгиариқ маҳалласида Юнусободдаги янги 5-болалар поликлиникасининг филиали ишга туширилган эди. Бу ерда қон олиб анализ қилишга эътибор бермасдан келинган. Чунки лаборатория учун хона етишмаслиги сабабли ота-оналар Юнусободдаги поликлиникага қатнашга мажбур бўлишаётган эди.

Биз маҳаллада истиқомат қилувчи ота-оналарнинг таклифларини синчиклаб ўрганиб чиқдик. Район соғлиқни сақлаш бўлими Юнусободдаги 5-болалар поликлиникаси билан биргаликда ана шу филиалда ҳафтада бир марта қонни олиб анализ қилдириб бериш шароитини яратишга тадбирлар белгиладик.

Бундан ташқари яқин вақтлар ичида ана шу ерда ремонт ишлари учун маблағ ажратиб, махсус ва барча қулайликлар бўлган лаборатория ташкил қилишни мўлжаллаётирмиз.

Қачонгача давом этади

1977 йилнинг бошларида Бешқайрағоч массивидаги 66-коттежнинг 1-квартирасига кўчиб келган эдик. Мана олти йилдирки ҳамон уйимиз яхши исимайди. 1978—79 йиллари ўзим анча-мунча ҳаракат ва ҳаражат қилиб батареяларни ишлата олмадим. Кейинги йилларда бизнинг массивнинг иссиқлик системаси ночор ишлагани туфайли ЖЭК ишчилари томонидан массивда бир қанча ишлар қилинди ва шу жумладан бизнинг квартирамиздаги баъзи бир труба ва батареялар алмаштириб берилди. Бироқ, ҳанузгача бир батарея исиса, иккинчиси исимайди. Ҳар йили қишда 70 ёшли онамизни қариндошлар уйига юборишга мажбур бўляпмиз. Қолган етти жон эса ошхонага кириб газ плитканн ёқиб исиниб ўтирибмиз. Совуқ туфайли мен бот қасалини орттириб олдим.

Қачонгача бу аҳволда яшаймиз. Наҳотки батареяларни тўла-тўкис ишлатишнинг иложи бўлмаса?

Ҳ. МУҲАММАДИЕВ.

А. НАБИЕВ,
Акмал Икромов район уй-жой бошқармасининг бошлиғи.

— 56-уй-жойлардан фойдаланиш участкасига қарашли Бешқайрағоч массивида жойлашган 43 та коттеж 1974 йилда қуриб битказилган ва аҳолига топширилган эди. Лекин массивдаги иситиш системасини монтаж қилиб берган «Ташсантехгазмонтаж» трестига қарашли 4-монтаж бошқармаси ишчилари қўлдан ўтар, эгасига етар қабилида ишлаб кетишган экан. Натижада бир уйдаги батареялар яхши ишласа, иккинчисида мутлақо ишламай қолган ҳоллари юз берганди. 1981 йилда бу камчиликларни йўқотиш ва массивни иссиқлик билан тўла таъминлаш учун 40 минг сўмлик капитал ремонт ишларини бажардик. Бироқ, кейинчалик маълум бўлдики, бу ишимиздан ҳам қониқарли натижа чиқмаган. Чунки массивга мўлжалланб қурилган 2-Бешқайрағоч қозонхонасига сўнгги йилларда болалар боғчаси, мактаб ва 10 та кўп қаватли турар-жой бинолари ҳам боғлаб қўйилган. Натижада нормадаги иссиқликни беришга қозонхона ожизлик қилмоқда. Ҳ. Муҳаммадиевнинг шикоятига келсак январь ойидаёқ унинг талаби тўла қондирилган. Ҳозир квартирасидаги барча иссиқлик системаси тўла-тўкис ишлаб турибди.

РЕДАКЦИЯДАН: Афсуски, Ҳ. Муҳаммадиевнинг талаби тўла қондирилмаган. Қиш мобайнида унинг квартирасидаги баъзи батареялар сал исиган бўлса-да, баъзилари музлигича турган. Фақат 15 февралдагина бу хонадондаги барча батареялар исий бошлаган. Шунда ҳам тўла-тўкис эмас. Бу ҳолни 65-коттежнинг биринчи квартирасида ҳам кўриш мумкин. Наҳотки, иссиқлик системасини тўла изга тушириш шунчалик қийин бўлса?

Бир мавзудаги икки хат

ВИГОВОР БЕРИЛДИ

Биз ўтган йили 1 ноябрь куни Совет Армияси сафидан шаҳримизга қайтиб келиб, Кўкалдош мадрасаси олдида эсдалик учун суратга тушдик. Суратқаш 27401-рақамли квитанцияни ёзиб бериб, 3 декабрь куни «Ешлик» фотостудиясидан суратимизни олишимиз мумкинлигини айтди. Бу рангли суратимизни олиш учун бир неча марта овора бўлдик. Охири пулимизни қайтариб беришларини айтишди. Ахир, олган пулни қайтариб беришса суратга тушишнинг нима кераги бор?

А. УСМОНОВ,
Р. ТЎЙЧИЕВ.

* * *

Ўтган йилнинг 24 октябрида Халқлар дўстлиги майдонидаги «Бахт уйи»да суратга тушган эдик. 035657, 035658-рақамли квитанцияларни кўтариб бориб, суратимизни олмоқчи бўлсак, бизни сарсон қилишяпти.

Ж. ХУДОЙБЕРДИЕВ.

Р. ҚЛИЧЕВ,
шаҳар маиший хизмат кўрсатиш бошқармасига қарашли «Фотореклама» комбинати директори.

— Газетхонларни н г редакцияга йўллаган хатлари билан танишиб чиқиб, йиғилиш ўтказдик. А. Усмонов хати юзасидан текшириш ўтказганимизда фактлар тасдиқланди. «Ешлик» фотостудиясининг мудири В. Рягузова огоҳлантирилди, фотограф Э. Соатовга эса эммасига олган топшириқни бажармаганлиги учун выговор берилди.

Ж. Худойбердиев хати юзасидан шуни маълум қиламиз: ҳақиқатан ҳам рангли қоғоз бўлмаганлиги учун буюртма бажарилмаган. Ж. Худойбердиевдан буюртма ўз вақтида адо этилмаганлиги учун узр сўралди ва унинг сурати тез кунда бажариб берилади.

Ваъдага вафо қилишмади

Ҳурматли редакция! Биз 176-ҳунар-техника билим юртининг 36-группасида ўқиймиз. Бизни ўқишга қабул қилишаётганда трактор заводи томонидан стипендия берилишини айтишган эди. Лекин, бизга ҳалигача стипендия беришгани йўқ. Нега бизни алдашди...

176-ҳунар-техника билим юрти 36-группаси ўқувчилари.

Н. ЛАРЮХИН,
176-ҳунар-техника билим юрти директори вазифасини бажарувчи.

— Чиндан ҳам ўқувчилар қабул қилинаётганда уларга стипендия берилиши айтилган эди. Бу стипендия Тошкент трактор заводи томонидан ажратилиши керак. Лекин, Тошкент трактор заводи буни рад этяпти. Бу нотўғри. Чунки, партия ва ҳукуматимизнинг қарорларида техника билим юртлари ўқувчиларига база корхоналари томонидан қўшимча ҳақ тўланиши кўрсатилган. Ана шу стипендия кадрлар тайёрлашга кетадиган маблағ ҳисобидан тўланиши керак. Бу қўшимча ҳақ ўқув давомида тўлаб борилиши кўзда тутилган.

Афсуски, трактор заводи раҳбарлари ўқувчиларга ана шундай ҳақ тўлашдан воз кечишаяпти. Биз корхона дирекциясига бир неча марта ёзма равишда мурожаат этдик. Лекин, ҳалигача улардан қониқарли жавоб олмадик.

Бизнинг билим юртимиз ташкил этилганига тўрт йил бўлди. Корхона уч йилдан бери ўқувчиларга қўшимча ҳақ тўлаган. Шу боисдан бу йил ҳам ўқувчилар қабул қилинаётганда уларга стипендия олишлари айтилган эди. Лекин, трактор заводи дирекцияси юзимизни ерга қаратди.

И. МУСИН,
Тошкент трактор заводи директори.

— Бу йил корхонамизда оғир молиявий аҳвол вужудга келди. Шунинг натижасида ўқувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш имкониятимиз йўқ. Шу боисдан биз ўқувчиларга қўшимча ҳақ тўлаш бўйича билим юрти билан шартнома имзоламадик.

РЕДАКЦИЯДАН: Тошкент трактор заводи директори И. Мусиннинг жавоби ўқувчиларни ҳам, билим юрти раҳбарларини ҳам қониқтирмаслиги табиий. Заводнинг ўқувчиларга тўлаш учун маблағи йўқ экан, буни ўқув йили бошланишн олдидан билим юрти раҳбарларига маълум қилиши керак эди. Эндиликда эса ўқувчилар алданишди, билим юрти раҳбарларининг ўқувчилар олдидаги обрўсига путур етди.

ФАРЗАНДЛИККА ОЛИШ ТАРТИБИ

Набирамни ёшлигидан тарбиялаб келаман. Унинг ота-онаси бор. Аммо у мендан ажралишни истамайди. Айтингчи, уни қиз сифатида қабул қилиб олишим ва оналик ҳуқуқларидан фойдаланишим мумкинми?

И. ЭГАМБЕРДИЕВА.

* * *

Турмуш йўлдошининг марҳума хотинидан қолган ўғлига оналик ҳуқуқини олишим мумкинми? Яъни уни қонуний ўғил қилиб олишга ҳақим борми? Бунга никоҳ гувоҳномамиз асос бўла оладими?

С. ШУКУРОВА.

Ю. РАЖАБОВ,
халқ депутатлари Собир Раҳимов район Совети ижроия комитети ҳузуридаги балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссиясининг раиси.

— Биринчи саволда келтирилган воқеа тажрибада жуда кам учрайди. Ижроия комитет бу ҳақда қарор чиқаради. Шуни ҳам айтиш керакки, фарзандликка олаётган граждан ҳар томонлама етук, руҳий тетик киши бўлиши керак. Оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган, фарзандларига алимент тўламаганлиги учун судланган, шунингдек, аввал бошқа бир фарзандни фарзандликка олиб унинг олдидаги оналик ва оталик вазифаларини бажармаган шахсларга фарзандликка олишга рухсат берилмайди.

Иккинчи саволга келганда шуни айтиш керакки, фарзандликка олиш фақат балоғатга етмаган ёшлар учун ва уларнинг манфаатлари учун қўлланилади. Фарзандликка олиш одатда фарзандликка олаётган кишининг аризасига асосан район Совети ижроия комитетида кўриб чиқилади. Ижроия комитет бу ҳақда қарор чиқаради. Шуни ҳам айтиш керакки, фарзандликка олаётган граждан ҳар томонлама етук, руҳий тетик киши бўлиши керак. Оналик ҳуқуқидан фойдаланиш мумкин.

Кейинги икки-уч йил ичида серқуёш Ўзбекистонимиз пойтахти Тошкентда кўплаб янги микрорайонлар, кварталлар, массивлар бунёд этилди. Бугунги кунда улар шаҳар кўчаларн ҳуснига ҳусн қўшиб турибди. Ўнгдаги суратда пойтахтнинг Ленин проспекти акс этган.

* * *

Чапдаги суратда «Марказ—26» кварталидаги тўққиз қаватли турар жой бинолари. Ҳозир бу ерда ободонлаштириш ва қўкаламзорлаштириш ишлари олиб бориляпти.

М. Нуриддинов фотолари.



Константин Федин туғилган куннинг 90 йиллигига

Улкан санъаткор

Совет адабиётининг яловбардорларидан бири Константин Александрович Фединнинг туғилганига тўқсон йил тўлди. Константин Федин, М. Шолохов, Л. Леонов, Н. Тихонов, А. Толстой, А. Фадеев, А. Твардовскийлар билан бир сафда туриб, кўп миллатли совет адабиётининг бугунги камолига сезиларли ҳисса қўшган адиблардан биридир. Унинг «Шаҳарлар ва йиллар», «Ака-укалар», «Европанинг ўғирланиши», «Артур санаторийси», «Дастлабки севинчлар», «Ажойиб ёз», «Гулхан» каби романлари, ҳикоя ва қиссалари, «Ёзувчи, санъат, замон», «Горький биз билан» ва бошқа асарлари шубҳасиз совет адабиётининг ёркин саҳифаларидан бирини ташкил этади.

Константин Александрович Федин 1892 йил 24 февралда Саратовда дунёга келди. 1911—1914 йилларда Москвадаги комерция институтининг иқтисод факультутида таълим олди. Унда ҳикоя ёзишга ҳавас студентлик йилларида бошланди. 1914 йили К. Федин немис тилини мукаммал ўрганиш мақсадида Германияга тўрт ойлик ўқишга боради. Ана шу ойларда Германия ҳукумати Россияга уруш эълон қилади. Студент Федин Германияда тўрт йил қолиб кетишга мажбур бўлади. Октябрь инқилобидан сўнггина у ўз Ватанига қайтишга муяссар бўлади.

1918 йилдан бошлаб у лектор, ўқитувчи, ҳарф терувчи — шаҳар ижроия комитетида секретарь, агитатор бўлиб ишлади. Қизил аскарликка кўнгилли бўлиб ёзилди.

1920—1921 йилларда эса «Жанговар ҳақиқат» номли фронт газетасида ишлади. Газетада ишлаган йилларида у бўлғуси асарлари учун материаллар йиғди, кўплаб мураккаб тақдирли кишилар билан учрашди. К. Федин 1951 йил Бутунитифоқ ёш ёзувчиларининг иккинчи кенгашида сўзлаган нутқида бу ҳақда шундай деганди: «Ёш ёзувчи учун газетада ишлаш жуда фойдали деб биламан. Газета — мактабдир. Адабиётда унинг ўрнини босадиган нарса йўқ. Газета мактаби нима беради? Газетада ишлаш бадиий проза учун энг зарур: қисқа форма, ифода аниқлиги, фикр равшанлигига эришишга кўмаклашади».

К. Фединнинг улкан адиб бўлиб етишишида совет адабиётининг асосчиси М. Горькийнинг хизмати катта бўлди. Фединнинг илк ҳикоялари билан танишган М. Горький унда катта талант учқунларини сезиб ҳар томонлама хайрихоҳлик қилди. «К. Федин — жиддий, фикри-зикрини бир ерга йиққан, орқа-олдига қараб иш қиладиган ёзувчи, — деб ёзганди М. Горький. У фикр айтишга шошилмайди, бироқ лозим бўлганда ўринлатиб айта олади».

Атоқли санъаткорнинг беқиёс ғамхўрлиги ёш адибни илҳомлантирди. Унинг кетма-кет ўнлаб роман, қисса ва ҳикоялари босилиб чиқди. К. Федин айниқса Улуғ Ватан уруши, урушдан кейинги тикланиш йилларида самарали ижод қилди. «Туйғулар синови», «Аҳоли яшайдиган бир неча пункт», «Ленинград билан учрашув», «Дастлабки севинчлар», «Ажойиб ёз» асарлари фикримизга асос бўла олади.

1949 йили сўнгги икки асари учун СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. К. Федин ижодида «Дастлабки севинчлар», «Ажойиб ёз», «Гулхан» романлари алоҳида ажралиб туради. Трилогияда 1910 йилдан Улуғ Ватан уруши охирига қадар бўлган воқеалар қамраб олинган ва рус халқида революцион онг, характер ва хислатларнинг шаклланиш тарихи реалистик ифодасини топган.

Улкан адиб, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Константин Александрович Федин фақатгина ижоди билангина эмас, балки улкан жамоат арбоби сифатида ҳам совет адабиётининг камолига салмоқли ҳисса қўшди. У 1959—1971 йилларда СССР Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари, 1971 йилдан умрининг охиригача правление раиси бўлиб хизмат қилди. Бир неча бор СССР Олий Советига депутатликка сайланди. СССР Фанлар академиясининг академиги сифатида совет адабиётининг муҳим масалаларини ҳал қилишда актив иштирок этди.

К. Федин ўзбек совет адабиётининг қизғин тарғиботчиси, қатор адибларимизнинг жонкуяр мураббийси эди. Унинг «Дастлабки севинчлар» романи, «Ўтмиш билан учрашув» ҳикоялар тўплами ўзбек тилида чоп этилган. К. Фединнинг Ўзбекистондаги шогирдларидан бири, Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти лауреати Пиримқул Қодиров устози билан илк учрашув таассуротини шундай хотирлайди:

«Бундан 31 йил муқаддам — 1951 йилнинг кузида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати декадаси бўлган эди. Ўша пайтда мен эндигина университетни битириб, Москвадаги адабиёт институтининг аспирантурасига кирган эдим. Москвада у пайтда ўзбек тили ва адабиётини биладиган мутахассислар ҳозиргига нисбатан камроқ эди. Шунинг учун бўлса керак, мен ҳали Ёзувчилар союзига аъзо бўлмасам ҳам, декада қатнашчилари қаторида ижодий муҳокамаларга таклиф этдилар. Ҳатто проза муҳокамасида Асқад Мухторнинг «Дарёлар туташган жойда» деган повестининг оригинал ва русча таржимасини бир-бирига солиштириб таҳлил қилиш учун менга сўз ҳам бердилар. Мен бундан жуда қаттиқ ҳаяжонга тушганимнинг боиси шу эдики, декаданинг прозага оид ўша ижодий муҳокамаларига жаҳоншумул адиб Константин Федин раислик қилмоқда эди. Константин Александрович ёши олтмишларга борган, оқиш-кулранг сочи силлиқ қилиб таралган, котмадан келган баланд бўйли киши эди. Менга сўз бераётганда йирик-йирик кўзларида ғалати бир қизиқиш ва мулойимлик сезилгандай бўлди. Сўзларни дона-дона қилиб, ўта маданий бир хайриҳоҳлик билан номимни айтгани ҳам мени эркин сўзлашга ва дадил бўлишга ундаган эди».

К. Федин ҳақидаги бундай ҳаяжонли хотираларни кўп миллатли совет адабиётининг П. Қодировга тенгдош ҳар бир вакили фахр ва ифтихор билан сўзлаши мумкин.

К. Федин чинакам халқ ёзувчиси эди. У бутун онгли ҳаёти, серқирра ижоди, актив ижтимоий фаолиятида халқни севиш, унинг қалбидагини топиб ёзишнинг ёркин намунасини кўрсатиб кетди. К. Федин туғилган куннинг 90 йиллиги кенг китобхонларнинг ҳақиқий байрамига айланганлигининг боиси ҳам шунда.

Ёзувчи учун бундан ортиқ бахт йўқ.

Ўрол ЎТАЕВ.

Раҳим Олимжонов 18 йилдан бери Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи қошидаги музика студиясига бошчилик қилиб келмоқда. У турли касб эгалари бўлган тўгарак қатнашчиларига аккордиондан дарс беради. Бу меҳрибон мураббий ўқувчилари ҳақида фахрланиб гапиради. Чунки уларнинг биринчи қалдирғочлари ҳозир «Баёт», «Баҳор» ансамблларида ишлашмоқда. Шу кунларда тўгарак қатнашчилари янги программадаги концерт номерини тайёрлашмоқда.

СУРАТДА: Р. Олимжонов шогирдларига сабоқ бермоқда.

Х. Мирзакаримов фотоси.

• Сўраган экансиз...

МЎЪЖИЗАМИ Ё СЕҲР?..

✦ ДИҚҚАТ, КИО ЯНА ТОШКЕНТГА КЕЛЯПТИ
✦ XX АСРНИНГ АЖОЙИБ ИЛЛЮЗИЯЧИСИ
✦ ЖАҲОН ЦИРК САНЪАТИДА БИРИНЧИ БОР
✦ ҒОЛИБЛИК УЧУН ДИПЛОМ

Ҳурматли редакция! Машҳур иллюзиячи цирк устаси Эмиль Кио санъати бизни кўпдан буён қизиқтириб келади. Ана шу ажойиб санъаткорнинг ижодий йўли, ҳаёти ва цирк санъатидаги муваффақиятлари ҳақида мақола ўқишни истардик.

Бир гуруҳ ишқибозлар номидан:

Б. ҚАЛАНДАРОВ.

РСФСР ва Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист Эмиль Эмильевич Кио санъатини мамлакатимизнинг йирик цирклари томошабинлари катта ҳайрат билан олқишлаган, кўплаб хорижий мамлакатлар томошабинлари ҳам моҳир иллюзиячининг ажойиб маҳорати сеҳрига таҳсин айтишган. Бу бежиз эмас. У раҳбарлигидаги «Мўъжизалар оламида» аттракциони одатдан ташқари тасаввурга сиғмас фокуслари, бевосита томошабин билан актив мулоқат воситасида ўтадиган қизиқарли номерлари билан ажралиб туради. Шунинг учун ҳам бу моҳир цирк устаси «XX асрнинг ажойиб иллюзиячиси» деган ном олган.

Унинг цирк санъатига кириб келиши ҳам қизиқ. Аслида унинг отаси машҳур иллюзиячи Эмиль Теодорович катта ўғлининг ўзи ва кичик ўғли Игорь каби цирк устаси эмас, балки таниқли меъмор бўлишини орзу қиларди. Шу боис Эмиль Москвада мактабни битиргач, Москва инженерлик-қурилиш институтига ўқишга киради. Уни муваффақиятли битириб шаҳарсоз-меъмор мутахассислигини эгаллайди. Унинг «Рязандаги театр майдонини реконструкциялаш ва ободонлаштириш» бўйича диплом лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилган. Шундай бўлса-да физика, математика, химия каби фанларни катта иштиёқ билан ўрганган Эмильда отасининг бетакрор санъатига бўлган қизиқиш кун сайин ўсиб борарди. Чунки отаси Кио қадимий цирк жанрларидан ҳисобланган иллюзия санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшиб, уни саҳнадаги «сеҳрли» спектакллар, фокусларни эса биринчи марта фикр билан бойитган, жаҳон цирк санъатида биринчи бор ўз программаларига масхарабозлар номерини киритган, шу билан бирга иллюзия жанрида воқеликдан олинган ҳаётий сюжетлар яратган, халқаро мавзулардаги сиёсий сатирани цирк санъатига уйғунлаштира олган йирик санъаткор сифатида уни доимо янги мўъжизакор иллюзияларни кашф этишга даъват этарди.

У отаси каби ўз ижоди билан, ўз санъати билан ҳаётимизнинг энг актуал масалаларига муносабат билдиришни хоҳлар эди. Бу машҳур иллюзиячилар авлоди ўзларига Кио деган тахаллус танлашгани ҳам қизиқ. Унинг айтишига қараганда, отаси ўз танишлари билан кинотеатр ёнида ўтишаётганда беихтиёр кино сўзидаги «Н» ҳарфи тушиб қолганини кўради. «Кио» сўзи унга жарангдор, чиройли туюлади ва ўзига шу сўзни тахаллус қилиб танлайди. Эндиликда бу сўз моҳир иллюзиячилар авлодининг фамилиясига ҳам айланиб қолди.

Эмиль институтни битиргач, отасининг қаттиқ қаршилигига қарамай барибир цирк аренасига ўз санъати билан келди. Шунда у укаси, эндиликда Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби Игорь Кио ва отаси билан биргаликда ишлай бошлайди. У техникани, бир қатор аниқ фанларни яхши эгаллагани учун янги иллюзия номерларини яратиш устида катта ижодий изланиш олиб борди. Натижада оригинал иллюзия номерлари яратди. Отаси вафотидан кейин унинг аттракциони, артистлар, реквизит, аппаратуралар, ҳайвонлар укаси Игорь Киога ўтди. У эса янги аттракцион тузишни лозим топди. Киев цирки базасида Эмиль ана шундай янги аттракцион тузишга сазовор бўлди. Унга бу ишда отасининг дўсти, режиссёр Арнольд Григорьевич Арнольд катта ёрдам берди. У янги аттракцион тузиш, унинг ўзига хос оригинал программасини тайёрлаш учун жуда кўп меҳнат қилди, тинимсиз изланди, техника жиҳатдан янги ечимлар ахтарди.

Кўп ўтмай унинг «Мўъжизалар оламида» деб аталган янги аттракциони шуҳрати ҳамма жойга ёйилди. Айниқса «Аёлни арралаш», «Аёлни ёқиш» деб аталган номерлари Эмиль Кионинг сеҳргар деб ном қозонишига, ўзига хос санъати кўпларни ҳайратга солишга сабаб бўлди. Бу программалари билан у ГФР, ГДР, Япония, Мексика, Швейцария, Голландия каби ўнлаб хорижий мамлакатларда гастролларда бўлди, кўплаб мамлакатларнинг фахрли мукофотларини олишга сазовор бўлди.

У кейинги йилларда ўзининг цирк санъатидаги айрим мўъжизалари сирлари билан «Юний техник» журнали саҳифаларида ўртоқлашмоқда. «Смена» журнали эълон қилган шахмат конкурсида иштирок этиб, ғолиблик дипломи билан тақдирланди...

Албатта, мўъжизакор санъати билан йирик цирклар ишқибозлари олқиши ва таҳсинига сазовор бўлаётган, одамларни ҳайратлантириб, улар қалбига олам-олам завқ-шавқ бағишлаётган таниқли цирк устасининг ижрочилик маҳорати, мўъжизалари моҳияти, ўзига хос саҳна сирлари тўғрисида унинг бетакрор аттракциони томошабинни бўлиш билан янада кенгроқ тасаввур олиш мумкин. У қаерда бўлмасин, саҳнада томошабинлар билан актив мулоқатда номерларини бажариши, сон-саноқсиз саволларга бераётган оригинал жавоблари ўзига, маҳоратига нисбатан қизиқиш ва ҳайратни янада оширмоқда.

Ҳозир Эмиль Кио раҳбарлигидаги аттракцион Душанба шаҳрида ўз санъатини намойиш этмоқда. Тез орада гўзал пойтахтимиз цирк мухлислари ҳам таниқли иллюзиячи аттракционини томоша қилишлари мумкин.

А. РИХСИХЎЖАЕВ,
М. АБДУЛЛАЕВ.

Сами Абдуқаҳҳор—60 ёшда

Ҳажв устаси

Адабий жамоатчилик туғилган куннинг 60 йиллиги ва ижодий фаолиятининг 40 йиллигини нишонлаётган Сами Абдуқаҳҳор баракали ижодий фаолияти билан кенг китобхонларга таниш. У ҳажвчи ёзувчи сифатида сатира ва юмор жанри ривожига ўзига хос ҳисса қўшган. Китобхонлар уни фельетончи, масалчи, ҳажвчи прозаик, киносценарист, кинопублицист сифатида яхши билишади Сами Абдуқаҳҳор қатор сатирик шеърий тўпламлар, ҳажвий ҳикоялар ҳам муаллифи.

У ўз ижодий фаолиятини «Муштум» журнали редакциясидан бошлаган эди. Унинг 1945 йили нашр этилган дастлабки тўплами «Фронт ҳангомалари»га ёш ёзувчининг Улуғ Ватан уруши йилларида, жанг йўлларида ёзган кўплаб ҳажвий шеърлари киритилган эди.

Сами Абдуқаҳҳор масал жанри ривожига ҳам маълум даражада ҳисса қўшиб, «Ўргимчак билан Чивин», «Ваъзхон Айиқ», «Дарё билан Жилға», «Така билан Эчки» каби ўнлаб масаллар яратди. Бу асарларда ёзувчининг рус ва ўзбек адабиётидаги масал жанри традицияларини яхши эгаллагани, уни замонавийлик билан бойитишга ҳаракат қилганлиги яққол сезилиб туради. Бу жиҳатдан ёзувчининг қатор символик образлар ёрдамида ҳозирги куннинг жиддий масалаларига муносабат билдириши, юлғичлар, лоқайдлар, маишатпарастларни фош этишга қаратилган асарлари алоҳида эътиборга лойиқ.

1964 йили Москвада Сами Абдуқаҳҳорнинг «Учёний Гусь» номли масаллар тўплами «Крокодиль кутубхонаси» сериясида босилганлиги ҳам фикримизнинг далилидир. Ёзувчининг пародиялари, шеърий сатираси, ҳажвий шеърлари ҳам серқирра ижодкорнинг ҳаётимизда учраб турадиган камчилик ва иллатларни фош этишда сатира ва юмор жанрининг турли форма ва усулларидан усталик билан фойдалана олишини кўрсатади.

Унинг 1966 йилдан буён «Наштар» сатирик киножурнали масъул котиби сифатида олиб бораётган ижодий фаолияти ҳам диққатга сазовор. Шу давр мобайнида бу киножурналнинг юзга сони чиқишида, унинг жиддий танқидий фельетонлари ўткир ижтимоий маъно касб этган кулгили, ҳажвий киносюжетлари, кино-айбномалари томошабинларга ғоят манзур бўлишида, тезкор замонамиз тараққиётига ҳалақит бераётган иллатларни фош этишга қаратилган кинолавҳаларнинг ҳаётимизга ижобий таъсири ошиб боришида ҳозиржавоб ёзувчи Сами Абдуқаҳҳорнинг ҳам хизмати катта.

У ўзининг жиддий кинофельетонлари, ҳажвий киносюжетлари билан Бутунитифоқ ҳажвий киножурнали, «Фитиль»да ҳам мунтазам қатнашиб келяпти.

Сами Абдуқаҳҳор ўнлаб ҳажвий ҳикоялар, шеърий тўпламлардан ташқари «Ўзбекфильм» киностудиясида суратга олинган «Серташвиш ёшлик» бадиий фильми, «Ҳаётнинг бошланиши», «Соялар ва Қоялар» номли қиссаларнинг ҳам авторидир. Унинг 1962 йили босилган «Санамай саккиз дема...», 1971 йили эълон қилинган «Фойдали хуррак» тўпламларида ҳам ёзувчининг ўзига хос ҳажвчилик маҳорати тўла намоён бўлган.

БУГУН

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, ҳажвчи ёзувчи Сами Абдуқаҳҳорнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали кеча республика киночилар уйида бўлиб ўтади. Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи ва Ўзбекистон ССР Кинематографчилар союзи правлениелари ташаббуси билан ўтказиладиган ана шу кечага Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад раислик қилади.

Кечада ёзувчи ижоди ҳақида Ўзбекистон ССР Ёзувчилар Союзи правлениесининг секретари Б. С. Пармузин нутқ сўзлайди. Кечада Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар Бахтиёр Ихтиёров, Эргаш Каримов Клара Жалилова, телеминиатюра театри артисти Роза Каримова, Ўзбекистон Давлат филармониясининг Шерқўзи Ғозиев раҳбарлигидаги «Ханда» ансамбли қатнашади. Кеча охирида «Наштар» сатирик киножурналининг янги сонлари намойиш этилади.

МАҲАЛЛАДА НИМА ГАП?

МАРОҚЛИ ЎТДИ

Киров районининг Отчопар маҳалласида қутлуғ саналарни нишонлаш яхши анъанага айланган. Куни кеча маҳалла чойхонаси клубида Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти куни муносабати билан маросим бўлиб ўтди. Маҳалла комитетининг раиси С. Камолиддинов, комитет секретари С. Алихўжаев, маҳалла активларидан М. Мирқаюмов, М. Мирсодиқов, Р. Иброҳимов ва бошқа ўртоқларнинг ташаббуси билан ташкил этилган бу байрам кечасига 60 дан ортиқ Улуғ Ватан уруши ветеранлари, пенсионерлар, кекса меҳнат ветеранлари, шунингдек кўплаб маҳалла меҳнаткашлари йиғилдилар. Йиғилишни уруш ветерани, подполковник Мирзамурод Алимов очиб, йиғилганларни байрам билан табриклади ва Совет Армиясининг энг оғир йилларда, Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган мислсиз жасорати ҳақида гапирди.

Йиғилишда маҳалланинг кекса отахонлари Ғ. Махамадхўжаев, Қ. Каримов, А. Раҳимов, Н.Нажимовлар тинч, фаровон ҳаётимиз учун партия ва ҳукуматимизга чексиз миннатдорчилик билдиришди.

Кеча охирида Улуғ Ватан уруши ветеранларига ва жамоатчи активларга эсдалик совғалари топширилди. Район маданият уйининг бадиий ҳаваскорлари томонидан концерт қўйиб берилди.

К. МУҲАМЕДОВ,
Улуғ Ватан уруши ветерани.

Сами АБДУҚАҲҲОР

Алданмайдиган одам

(ҲАЖВИЯ).

...Эрталаб бозорга майда-чуйда олгани тушдим. Бир вақт кўзим мева растасидан ўтиб кетаётган Алдар Кўсага тушиб қолди.

— Ассалому алайкум, Алдар оға, —дедим мен. —Кечирасиз, Сиз мени танимайсиз, лекин, мен сизни яхши танийман. Халқ орасида «Алдар Кўса» деган номингиз машҳур. Ҳамма: «Одамни алдашда суяги йўқ» дейди Сизни! Шу ростми?

— Ҳм.. билмадим... —Алдар Кўса хижолат чеккандай қимтинди, елкасини қисди:— Қайдам, шундоқ дейишади.

— Хўп, шунақа алдовга устаси фаранг экансиз, алдовнинг пири бўлсангиз, қани, мени ҳам бир алдаб кўринг-чи!... Мен, асти алданмайдиган одамман. Мени алдайдиган одам ҳали дунёга келган эмас!..

— Ҳозирми? Шу топнинг ўзида-я?! — ҳайрон қолгандай деди Алдар Кўса. Йўқ, ҳозир алдолмайман. — Овозида афсусланган оҳанг эшитилди.

— Нечук? Нега?— Энди мен ҳам ажабланиб сўрадим.

— Чунки, алдов халтам уйда қолганди...

— Бўлмаса, лип этиб уйингизга бориб, олиб келақолинг.

— Жоним билан олиб келардим-у, ҳозир фурсатим йўқ-да!

—Э, алдолмай қолсам шарманда бўламан, деб йўлини қиляпсиз, шундайми?

— Ҳай майли, бўлмаса манави деворни кўряпсизми, қийшайиброқ турибди. Тағин йиқилиб-нетиб ўтирмасин, деб шуни ушлаб турувдим. Энди сиз ушлаб туринг мен бир зумда уйдан алдов халтамни олиб келаман...

— Бўпти.

Шу денг, орадан бир пиёла тўқсон бешинчи кўк чойни ичгунча ҳам вақт ўтмай ёнимдан бир дўстим ўтиб қолди.

— Баҳай, нима қилиб девор ушлаб турибсиз?

— Номи Алдар Кўса бўлгани билан мени «алдов халтасиз алдолмас экан!». Ўшани олиб келгани кетди! —дедим мен бўлган воқеани гапириб.

— Э, баракалло сизга! — шарақлаб кулди у. —Ахир, Алдар Кўсанинг алдаб кетгани шу-да!.. Мана, деворни ушлатиб кетибдию! Сиз ҳам менга ўхшабсиз!

—Нима, Алдар Кўса сизниям алдаб кетганми?

— Йўқ, у эмас. Мана бундай бўлган эди: Эсингиздами, мен зир югуриб гарнитур қидирган эдим? Қизимни узатмоқчи эдиму.

— Хўш, хўш?..

— Шу гарнитурни излаб бормаган жойим қолмади. Охири, бир мебель магазинига кириб бордим. Магазин олдида бир хушбичим йигит мени мулозимат билан кутиб олди ва ўзини «экспедиторман» деб таништирди. Нима излаб юрганимни эшитиб:

— Э, амак, мебелнинг зўри бизда, яъни базада бўлади! — деди.— ...агар жуда зарур бўлса тўғрилаб бераман...

Магазинга бошлаб кириб шу ерда турган барча мебелларни бирма-бир кўрсатди.

— Ана, амак, ўзингиз кўрдингиз, бирор импортний, яъни пичоққа илинадигани йўқ! Тўй боши бизда! —шу жумлани айтганда овози икки парда пасайди ва мени эшикка бошлади.

Магазин ёнида, шундайгина йўл ёқасида қизил «Запорожец» машинаси турган экан. Мени машинага таклиф этиб, ўзи рулга ўтирди. Кетдик. Йўлда:

— Амак, бир озгина чиқими ҳам бўлади-да!—деб қўйди.

Юриб-юриб узун бир йўлак бошида тўхтадик. У ичкари кириб кетиб, мен машинада қолдим. Чорак соатларда хурсанд, кулиб чиқди. Шаҳарга қайтдик.

— Битта Румин гарнитури бўладиган бўлди. Устига икки юз шапкасини берар экансиз!

— Майли топилганига шукур!

—Бўлмаса гап бундай, — бир магазин ёнида тўхтадик. — Ўзингиз ҳам яхши билсангиз керак, базадан мол сотиб бўлмайди. Ҳозир текшир-текшир авжга чиққан пайт. Сиз мебелингизни мана шу магазин орқали оласиз. Ҳозир ярим пулини менга беринг. Базадан магазин директорига қўнғироқ қилишди. Эртага эрталаб қолган қисмини олиб келасиз. Юк машинаси билан келиш эсдан чиқмасин. Қани энди пулни беринг, аванс тариқасида тўлаб чиқай...

Бу гапни эшитиб, оғзим қулоғимга етди. Гарнитурнинг ярим пули етти юзни ва устидаги шапкаси икки юзни хушқомат йигитга тутқаздим. У магазинга кириб кетди, мен машинада қолдим. Орадан сал фурсат ўтмай қайтиб чиқди. Ҳамма иш жойида эканлигини айтиб, «Эртага юк машинаси топа келинг!» деб яна бир бор таъкидлади. Ҳатто уйимга олиб бориб қўйди...

Эртаси эрталаб кечикиб қолмай деб нақ соат тўққиз ярим бўлмаёқ магазин эшиги тагида пайдо бўлдим. Магазин соат ўндан ишларкан. Ярим соат йўл пойлаб, кўзим тўрт бўлди. Охири, мана, соат 10. Магазин очилиб, биров киряпти, биров чиқяпти. Лекин, хушқомат йигитдан дарак йўқ. Ярим соат ўтди, бир соат —на у, на қизил «Запорожец» кўринади йўлда?!

Орадан бир ярим соатдан мўлроқ вақт ўтди. Сабр тоқат тугаб, аста магазин ичига кирдим. Магазинда осойишталик... Шкаф-диванлар жойида турибди. Сотувчилар зерикиб ўтиришибди. Хушқомат йигит бу ерда ҳам йўқ эди! Мен: «Бундай ишлар магазин директори билан битади» деб, товуқнинг катагидек келадиган «Директор кабинети»га кирдим. Уни ҳеч нимадан хабари йўқ, кеча ҳеч ким олдига пул билан кирмабди ҳам! Бошлашиб магазинга чиқиб, сотувчилардан суриштирдик. Бу ерда ҳам ҳеч ким ҳеч нарса билмасди!..

— Ана шунақа гаплар, оғайни. Ҳозир мана мен деган Алдар Кўсаниям бир чўқишла қочирадиган, алдагани ҳатто алдов халта ишлатмайдиган алдамчилар чиқибдики, уларнинг на ўзига, на сўзига, на ошнасига, на машинасига ишониб бўлади!.. — деди у...

Мен ҳам жимгина бош ирғадим...

СОЦИАЛИСТИК ҚОНУНЧИЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

Тошкент шаҳар прокуратураси Тошкент шаҳар суди ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг юстиция бўлими билан биргаликда «Давлат айбловининг самарадорлиги, унинг жиноятчиликка қарши курашни кучайтиришга ва одил судда қонунийликни мустаҳкамлашга таъсири» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Конференция ишида шаҳар ва район прокуратураларининг ходимлари, шаҳар судининг аъзолари ва халқ судьялари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлимининг ходимлари, шаҳар адвокатлари коллегиясининг вакиллари иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари ҳузурида Тошкент шаҳар прокурори Ғ. Б. Бухоров «Суд олдида давлат айбловини қўллаб-қувватлаш — прокурорнинг энг муҳим вазифаси» мавзуида доклад қилди.

Тошкент Давлат университети жиноят жараёни кафедрасининг доценти, юридик фанлари кандидати К. Б. Эркахўжаев «Прокурорнинг суддаги нутқи» мавзуида қўшимча доклад қилди.

Докладларни муҳокама қилишда жиноий ишларнинг судларда кўриб чиқилиши устидан назорат бўлимининг бошлиғи, юстиция маслаҳатчиси Ш. Н. Кафизов, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети юстиция бўлими бошлиғининг ўринбосари Р. Н. Ким, Тошкент шаҳар суди раисининг ўринбосари Н. М. Писаренко, Тошкент шаҳар адвокатлари коллегияси президиуми раисининг ўринбосари З. Т. Анорбоева ва бошқалар иштирок этдилар.

Конференция қатнашчилари социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни янада мустаҳкамлаш, социалистик мулкнинг талон-тарож қилиниши, чайқовчилик, порахўрлик, безорилик ва бошқа ҳуқуқ-тартибот бузилишларига қарши курашни кучайтириш, шунингдек, прокурор назоратининг самарадорлигини ошириш бўйича тавсияномаларни тасдиқладилар.

Н. РАДЕН,
Тошкент шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси, юстиция маслаҳатчиси.

ТО СПРАВКАЛАР БЮРОСИ
ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Н. САМИҒОВ: Ўн саккиз ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга отпускалар беришда имтиёзлар бор деб эшитдим. Ана шу имтиёзлар ҳақида маълумот берсангиз.

Жавоб: Ўзбекистон ССРнинг меҳнат қонунлари кодекси 86 ва 207-моддаларига мувофиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган ишчи ва хизматчиларга ҳар йилги отпускалар ёз пайтида ёки уларнинг хоҳишига кўра йилнинг истаган пайтида берилиши мумкин.

∴ ∴ ∴

О. НИШОНОВА: Ўтган ойда марказий телевидение орқали намойиш этилган «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» кўп серияли телевизион фильмда бош ролни ўйнаган СССР халқ артисти Вячеслав Тихонов яна шунга ўхшаш бирор разведкачи ёки чекист ролида чиқадими?

Жавоб: Совет чекистларининг чет эл агентлари билан кураши ҳақида ҳикоя қилувчи янги телевизион фильмнинг номи «ТАСС баёнот беришга ваколат этилган» деб аталади. Бу фильм «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» фильми сингари Юлиан Семёновнинг сценарийси асосида суратга олинмоқда. Бу фильм ҳам кўп серияли бўлади. Фильмдаги бош ролдардан бири — генерал Константинов ролини СССР халқ артисти Вячеслав Тихонов ўйнайди.

∴ ∴ ∴

Ғ. МАЪРУФОВ: Айтингчи, Аэрофлот авиалинияларининг узунлиги қанча, унинг эмблемаси қўйилган самолётлар қайси мамлакатларга парвоз қиляпти?

Жавоб: Аэрофлот халқаро линиялари қанча мамлакатларга йўлга қўйилганлигини айтиш ҳазилакам гап эмас. Лекин бу ўринда бир нарсани айтиш керакки, ҳозирги пайтда Совет Иттифоқи 87 та хорижий шаҳарлар билан авиалиниялар орқали боғланган.

Аэрофлот линияларининг узунлиги эса бугунги кунда 1 миллион километрни ташкил этади. Қиёслаш учун шуни айтиш лозимки, дастлабки совет беш йилликлари пайтида бизнинг авиатрассаларимиз узунлиги бор-йўғи 11 минг километрни ташкил этган эди.

* * *

Т. МАВЛОНОВ: Мени бир масала қизиқтиради: хизмат вазифаси тақозоси билан қайси категориядаги хизматчилар мунтазам равишда медицина кўригидан ўтишади? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Бир қатор категориядаги ишчи ва хизматчилар учун меҳнат тўғрисидаги кодекс қонунларида уларнинг вақти-вақти билан медицина кўригидан ўтиб туришлари кўзда тутилган.

Булар озик-овқат саноати, умумий овқатланиш ва савдо корхоналарининг, водопровод иншоотлари, даволаш-профилактика ва болалар муассасаларининг ходимларидир.

Транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда машғул бўлган шахслар, шунингдек зарарли меҳнат шароитидаги корхоналарда ишлаётган ишчи ва хизматчилар ҳам мунтазам равишда медицина кўригидан ўтиб туришлари лозим.

Маъмурият қонунчилик асосларида кўзда тутилган ҳоллардан ташқари ходимлар учун мажбурий равишда медицина кўригидан ўтиб туришни белгилашга ҳақли эмас.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЕҚУБОВ.

СОТУВЧИЛИК — ШАРАФЛИ КАСБ

Сотувчилик касби бугунги кунда тобора оммалашиб, ёшларнинг эътиборига сазовор бўлмоқда. Бу замонавий ва айни чоғда керакли касб. Бу касб нафақат амалий кўникмани, балки катта назарий тайёргарликни талаб этади. Яхши сотувчи бўлиш — эстетика ва савдони ташкил этиш, товаршунослик, экономикани пухта эгаллаш демакдир.

Кўпинча пештахта олдида хотин-қизларни кўрамиз, бу тасодифий эмас, чунки харидорни самимий кутиб олиш, эътибор билан тинглаш, шошилмасдан тушунтириш, яхши маслаҳат бериш, табассум билан кузатиш каби фазилатлар хотин-қизларга хосдир. Шунинг учун ҳам биз биринчи навбатда қизларни савдода ишлашга келинг деб таклиф этамиз.

Тошкент шаҳридаги озиқ-овқат ва саноат моллари магазинларининг сотувчиси бўлишга аҳд қилганларни, биз Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг савдо ташкилотларига қарашли мактаб-магазинларга ўқишга таклиф қиламиз.

МАКТАБ-МАГАЗИНГА КИМЛАР КИРИШИ МУМКИН?

Мактаб-магазинларга 16 дан 25 ёшгача бўлган, 10-синф ҳажмида маълумотли ва Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқишга қабул қилиш имтиҳонларсиз ўтади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: ўрта маълумоти тўғрисидаги аттестат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, мактабдан ёки охирги иш жойидан характеристика, турар жойидан справка, 2 та фотосурат.

Ўқишлар қандай олиб борилади?

Мактаб-магазинларда ўқиш рус ва ўзбек тилларида олиб борилади. Ўқиш муддати —4-6 ой.

Ўқувчиларга ойига 54 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

МАКТАБ-МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА:

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети савдо Бош бошқармасининг **«Ёшлик» мактаб-магазини** — Кафанов кўчаси, 65-уй. Телефон 33-75-48.

«Хизмат-беминнат» фирмаси универсамлар қошида ташкил этилган мактаб-магазинларга таклиф қилади. Сиз бу ерда озиқ-овқат молларининг кичик сотувчиси ва контролер-кассир ихтисослигини эгаллайсиз.

Ленин райпишчеторгининг **«Гулчеҳра» мактаб-магазини** — Фоменко кўчаси, 64-уй. Телефон 91-10-03.

Ҳамза райпишчеторгининг **«Авиасоз»** савдо марказидаги мактаб-магазин — 4-квартал, Лисунов кўчаси. Телефон 96-56-00

Куйбишев райпишчеторгининг **«Белорусь» мактаб-магазини** — Луначарский шоссеси, 49-уй. Телефон 33-92-56.

Киров райпишчеторгининг **«Феруза» мактаб-магазини** — Марказ —5, «Ширин» кафеси, Телефон 35-86-69.

1-«Универсам» қошида **«Хизмат-беминнат»** — Юнусобод массиви, Аҳмад Дониш кўчаси. Телефон 24-08-92.

«Ташхлебторг»нинг мактаб-магазини — Тимирязев кўчаси, 28-уй. Телефон 35-41-31.

«Ташлимводторг»нинг мактаб-магазини — Форобий кўчаси. 13-уй. Телефон 44-33-82.

Саноат моллари сотувчиларини тайёрлаш бўйича:

«Шуҳрат» мактаб магазини саноат молларининг кичик сотувчилари, кассирлар ва контролёр-кассирларини тайёрлайди.

Адрес: Чилонзор массиви, 11-квартал, 15-уй. Телефон 76-39-54.

«Ташкультторг»нинг 10-мактаб-магазини — Муқимий кўчаси, 1-уй, Телефон 53-47-24.

Савдода 2 йил ишлаганлар ўз хоҳишларига биноан техникумлар ва институтларга ўқишга юбориладилар.

ТОШКЕНТ ШАҲАР САВДО
БОШ БОШҚАРМАСИ

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА —27/IIда **Қиёмат қарз,** 28/IIда **Ўн учинчи раис.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —27/IIда **Гулсара,** (15.30, 19.30). 28/IIда **Дилафрўзга тўрт ошиқ** (15.30, 19.30).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/II да **Отасининг қизи,** 28/IIда **Баланд дорга осилма.**

КИНО

26 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНЖЕНЕР ШУХОВ» —**Искра.** «ҚИЗИЛ ДАФТАР»—**Қозоғистон**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (15, 18, 20.30).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» —**Искра** (17,20.00).

27 ФЕВРАЛДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИНЖЕНЕР ШУХОВ» — **Искра.** «ҚИЗИЛ ДАФТАР»—**Қозоғистон.**

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЎТГАН КУН ФАКТЛАРИ» — **К. Ёрматов номли** (11, 12, 13, 14 15, 17, 18, 20, 21.00). **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (15, 18, 20.30).

«МОСКВА КЎЗ ЁШЛАРГА ИШОНМАЙДИ» — **Искра** (17, 20.00).

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА

СССР биринчилиги учун

«А» КЛАССИНИНГ БИРИНЧИ ЛИГАСИДАГИ КОМАНДАЛАР ЎРТАСИДА

ХОККЕЙ

26— 27 ФЕВРАЛДА

«ДИНАМО» (Минск) — «БИНОКОР» (Тошкент).

2 —3 МАРТДА

«БУРОН» (Воронеж)— «БИНОКОР» (Тошкент).

20 — 21 МАРТДА

«ТОРПЕДО» (Усть Каменогорск) — «БИНОКОР» (Тошкент).

24 — 25 МАРТДА

СКА (Новосибирск) —«БИНОКОР» (Тошкент).

Учрашувлар шанба ва якшанба кунлари соат 17.00 да, бошқа кунлари эса соат 18.30 да бошланади.

БИЛЕТЛАР МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИ КАССАЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг

«УЗСТРОЙТЕПЛИЦА»

тресты

ТУГАТИЛДИ

Ҳамма даъволар Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги «УЗСЕЛЬСПЕЦМОНТАЖ» республика қурилиши монтаж ишлаб чиқариш бирлашмасида эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади.

30-ҳунар-техника билим юрти томонидан **Ёрматов Ортиқ Файзиевич** номига берилган 2545 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТИ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги «Джизакводстрой» трестининг 1-ихтисослаштирилган кўчма механизация колоннасининг йўқолган

ПЕЧАТИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

26 ФЕВРАЛЬ — ЖУМА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

17.45 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Гўзал Василиса». Бадиий фильм. 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Муаммолар—изланишлар—ечимлар». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский олиб боради. 20.45 «Халқ оҳанглари». 21.00 «ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШДАН КУРА МУҲИМ ВАЗИФА ЙУҚ». ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГФРга ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ. 21.30 «Время». 22.00 «Қувноқ йигитлар». Ёшлар программаси. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 Чет эл эстрадасининг куй ва оҳанглари.

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Қишлоқ янгиликлари». 19.50 «Қорачой дараларида». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.00 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. Ҳарбий-Денгиз Флотининг Марказий спорт клуби— «Динамо». (Москва). 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 Ҳужжатли фильм. 21.00 А. Глазнов. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун концерт. 21.30 «Время». 22.00 Футбол бўйича СССР кубоги. «Шахтёр» (Донецк) — «Динамо» (Москва). Сочидан олиб кўрсатилади. 23.30 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Икки кураш. Трамплиндан сакраш.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

17.45 Кўрсатувлар программаси. 17.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Биз рақсга тушамиз» (такрорий). 18.45 Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Биринчи лига командаларининг финали. «Университет» (Тошкент) — «Уралмаш» (Свердловск). Теннис саройидан репортаж (ёзиб олинган). 19.15 «Ахборот» (рус). 19.30 «Халқ контроли экрани». 20.00 М. Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» халқ рақс ансамблининг концерти. 20.40 «Ахборот». 21.00 Москва. «ТИНЧЛИКНИ САҚЛАШДАН КЎРА МУҲИМ ВАЗИФА ЙЎҚ». Ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВНИНГ ГФРга ВИЗИТИ ТЎҒРИСИДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ПРЕМЬЕРАСИ. 21.30 Москва. «Время». 22.00 «Дунё воқеалари». 22.30 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 1-серия. 23.40 Кўрсатувлар программаси.

27 ФЕВРАЛЬ — ШАНБА

Марказий телевидениенинг «ВОСТОК» программаси

9.00 «Время». 9.40 «АБВГДейка». 10.10 «Ота-оналар, Сизлар учун». 10.40 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик». 11.10 «Спортлото»нинг 9-тиражи. 11.15 «Сизни қизиқтирган адабиётлар». 12.00 СССР касаба союзларининг XVII съезди олдидан. Белоруссия касаба союзлари Советининг комплекс иқтисодий ва социал планларнинг бажарилишини таъминлаш соҳасидаги иши тўғрисида. 12.30 Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Хотин-қизлар. 20 км. 13.00 «Инсон. Ер. Коинот». 13.45 «Терговни билимдонлар олиб боради». 16-иш. «Мевалар ҳаётидан». Телевизион бадиий фильм. 1-серия. 15.00 «Дунё воқеалари». 15.15 «Терговни билимдонлар олиб боради». 16-иш. «Мевалар ҳаётидан». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 16.30 «Мўъжизасиз-мўъжизалар». 17.30 Мультфильмлар. 17.45 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати. 18.30 «Хатларингиз асосида...». Музикали программа. 19.15 «9-студия» телетомошабинларга жавоб беради». Кўрсатувда КПСС Марказий Комитети халқаро ахборот бўлимининг мудири Л. М. Замятин иштирок этади. 20.15 К. Голдони туғилган кунинг 275 йиллигига. «Трактир бекаси». Телевизион спектакль. 21.30 «Время». 22.05 «Андроников сўзи». «Тагил топилмаси». Телевизион фильм. 23.10 Спорт программаси: Чанғи спорти бўйича жаҳон чемпионати. Эркаклар. 50 км. Теннис бўйича Халқаро турнир. 00.20 Янгиликлар.

Марказий телевидениенинг

иккинчи программаси

ЛАТВИЯ ССР ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

12.30 «Книпаас ун Кнаукиз» болалар музикали коллективининг концерти. 12.50 «Лиепая». Ҳужжатли фильм. 13.10 Р. Шуман. «Карнавал». Латвия ССР академик опера ва балет театри коллективи ижросида бир саҳнали балет. 13.45 Эстрада куйларидан концерт. 14.15 «Кинотомошабин ҳамроҳи». 15.00 Кремлнинг Съездлар саройида санъат усталари ва музикали коллективлари концерти. 17.10 «Кинопанорама». 18.45 Сув полоси бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — Ҳарбий—Денгиз Флотининг Марказий спорт клуби. 19.15 «Халқаро обзор». 19.30 «Музикали киоск». 20.00 «Эрмитаж». 17-фильм. XVIII аср биринчи ярми Франция живописи. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар!». 20.45 «Здоровье» илмий-оммабоп программаси. 21.30 «Время». 22.05 «Балли, буважонлар». Телевизион бадиий фильм премьераси. Давлат телерадиоси ва Болгария телевидениесининг буюртмасига биноан «Грузия фильм» ҳамда «Бояна» (БХР) студияси суратга олган.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

9.55 Кўрсатувлар программаси. 10.00 Янгиликлар. 10.10 Телевизион миниатюралар театри. 10.55 Спорт программаси. 1. Баскетбол бўйича СССР чемпионати. Биринчи лига командаларининг финали. «Университет» (Тошкент) — «Строитель» (Харьков). Теннис саройидан репортаж (ёзиб олинган). 2. «Футбол чорраҳаларида». 12.10 Болалар учун. «Юлдузча». 12.40 В. Шабан. «Чандиқлар». «Ёш гвардия» ўзбек драма театрининг спектакли. 14.10 «Инсон болаликдан бошланади» (рус). 14.40 «Ижод саҳифалари». С. Абдуқаҳҳор». 15.10 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».

16.55 Кўрсатувлар программаси. 17.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. 18.00 «Қуёш акси». Мультфильм. 18.10 «Бахтли болалик ноталари». 19.00 «Ота-оналар университети». 19.30 «Ахборот» (рус). 19.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Қўшиқ айтган етар мурдга». Конкурс программаси. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Чорвачилик зарбдор фронт». 22.25 «Қирол Лир». Бадиий фильм. 2-серия. 23.35 Кўрсатувлар программаси.

ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Мен, сен ва мультик. Болалар учун кўрсатув. 18.35 «Бизнинг шарҳ». Халқаро мавзуларда суҳбат. 19.00 «Новости». 19.20 Телевизион почтадан. 19.50 «Киноэкран янгиликлари». 20.30 «Ахбор». 20.55 Концерт. 21.30 МТ II.

4 ТОШКЕНТ ОҚШОМИ бет

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП. Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат —33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги— 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари— 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; эълонлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери —32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.